

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР 13

3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 19

4. АДILКАРИЕВА Феруза

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ 26

5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 36

7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 42

8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR
ВО'ЙИЧА БЕКОР ҚИЛИНИШИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ЮНУСОВ Ҳайдарали

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ 61

11. МАХАМАТОВ Махмуд

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 69

12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 74

13. РАШИДОВА Комила Искандаровна

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ 81

14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	87
15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ	91
16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	102
18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ	107
19. ЮЛДАШЕВА Говхержан САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	112

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси
E-mail: z.raxmanov95@gmail.com

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХМОНОВ З.З. Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви давлат фуқаролик хизмати бекор қилишнинг муҳим белгиси // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 31-35.



6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада давлат фуқаролик хизматида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш қонунчилик нуқтаи назаридан илмий таҳлил қилинган. Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви давлат фуқаролик хизмати бекор бўлишга асос булувчи муҳим омил сифатида урганилган. Шунингдек, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви бўйича ҳорижий ҳамда миллий олимларнинг турлича қарашлари, ёндашувлари ҳамда уларнинг ўз йўналишлари бўйича тушунишлари илмий таҳлил қилинган. Ушбу таҳлил ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, коррупция, манфаатлар тўқнашуви, меҳнат муносабатлари, давлат фуқаролик хизмати бекор бўлиши, интизомий жазо.

РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

Старший преподаватель Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан
E-mail: z.raxmanov95@gmail.com

КОРРУПЦИЯ И КОНФЛИКТ ИНТЕРЕСОВ КАК ВАЖНЫЙ ЗНАК ОТМЕНЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье, с законодательной точки зрения научно проанализировано предупреждение коррупции и конфликта интересов на государственной гражданской службе. Коррупция и конфликт интересов изучены в качестве важных факторов неэффективности государственной гражданской службы. Кроме того, были научно проанализированы различные взгляды и подходы зарубежных и отечественных ученых о коррупции и конфликте интересов и их понимание в соответствующих областях. На основе проведенных анализов и различных мнений разработаны предложения и рекомендации, направленные на предотвращении коррупции и конфликта интересов на государственной гражданской службе в нашей стране.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, коррупция, конфликт интересов, трудовые отношения, увольнение с государственной гражданской службы, дисциплинарное взыскание.

RAKHMONOV Zafarjon

Senior teacher at the Lawyers' Training Center under the
Ministry of Justice of the Republic of UzbekistanE-mail: z.raxmanov95@gmail.com**CORRUPTION AND CONFLICTS OF INTEREST AS AN IMPORTANT SIGN OF THE
ABOLISHMENT OF STATE CIVIL SERVICE****ANNOTATION**

In this scientific article, from a legislative point of view, the prevention of corruption and conflict of interest in the public civil service is scientifically analyzed. Corruption and conflict of interest have been studied as important factors in the inefficiency of the state civil service. Various views and approaches of foreign and domestic scientists on corruption and conflict of interest and their understanding in the relevant areas were also scientifically analyzed. Based on these analyzes and opinions, proposals and recommendations have been developed aimed at preventing corruption and conflicts of interest in the state civil service in our country.

Keywords: state civil service, corruption, conflict of interest, labor relations, dismissal from the state civil service, disciplinary action.

Ўзбекистонда сўнги йиллар давомида давлат фуқаролик хизмати тизимини ташкил этиш, бу соҳада коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Давлат раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари, шунингдек давлат фуқаролик хизматини тартибга солишга қаратилган муҳим ҳужжат “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди [1]. Ушбу ҳужжатларда, шу билан бирга 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат хизматида коррупциявий омилларини бартараф этиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган муҳим вазифалар ва тартиблар ўз аксини топган.

Давлат фуқаролик хизматидаги коррупция ва манфаатлар тўқнашуви бўйича миллий ҳамда хорижий олимлар турли таърифларни билдиришган. Коррупция – (лотинча “corruptio” - пора бериб сотиб олиш, айниш, таназзул) мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишни ифодаловчи сиёсий ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият тушунилади [2, Б.179]. Илмий адабиётларда манфаатлар тўқнашуви тушунчасига “хизматдаги ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ўзи ёки учинчи шахслар учун пулга, моддий қимматликка, шунингдек мулккий ёки бошқа ҳуқуқларга алмаштиришдир”, дея тариф берилган [3, Б.31-56].

Кўп ҳолларда коррупцияга пора олиш, пора бериш, шундай ҳаракатларда воситачилик қилиш, умуман олганда, пул ёки моддий қимматликлар билан боғлиқ ҳолда баҳо берилади. Бугунги кунда коррупциянинг электрон коррупция, фаворитизм (раҳнамолик – айрим ходимларни яқин олиш), трайбализм (қариндош-уруғчилик), непотизм (қон-қариндошларнинг ўзаро бирлашуви), кронизм (ҳамфикрлилик, гуруҳбозлик), патронаж (давлат хизматида маълум тоифа вакилларига устунлик бериш), лоббизим ва манфаатлар тўқнашуви каби турли шакллари ҳам кўп учрамоқда.

Бу борада Н.Муродов қуйидагича фикр билдирган: “бугунгача коррупция дейилганда, аксарият жамият вакиллари жиноят қонунчилигида назарда тутилган пора билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тушунадилар. Аслида эса шахснинг ўз зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган, пировардида эса шахсий манфаатдорлик билан шахс, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган, қонуний манфаатлар ўртасида зиддият, ноқонуний имтиёзлар яратиш каби ҳолатларни ўзида акс эттирадиган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар ҳам борки, улар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра коррупциянинг бошқа кўринишларидан кам эмас” [4].

Бу коррупциявий кўринишлар ичида манфаатлар тўқнашуви ўзининг хавфлилиги билан ажралиб туради. Ҳуқуқшунос олим А.Ильяковнинг фикрича давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашуви бир томондан давлат ва жамият манфаатларининг, иккинчи томондан эса давлат фуқаролик хизматчиси манфаатларининг тўқнашувида, ўзаро келишмовчиликларида юзага

келадиган ҳолатдир [5, Б.43]. Н.Ахметова томонидан билдирилган таъриф манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг юридик табиатини анча очиб берган: “манфаатлар тўқнашуви – бу давлат хизматчисининг давлат хизматини ўташда ноқонуний равишда пул, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулк хизмат кўринишидаги даромадлар ёхуд ўзи ёки учинчи шахслар учун мулк хуқуқлар яратадиган вазиятдир” [6].

Юқоридаги олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда шундай фикр айтишимиз мумкинки, ҳар бир манфаатлар тўқнашуви манфаатга олиб боришни инобатга олганда, у асосан ваколат ва хуқуқлардан ноқонуний фойдаланишдан келиб чиқади.

Сўнги йилларда миллий қонунчиликда давлат хизматидаги коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган бир қатор нормалар акс этмоқда. Хусусан, 2021 йил 6 июль куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Президент Фармонида коррупцияга оид жинойтларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри юритилиши белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу электрон реестр нимаси билан муҳим?

Коррупцияга оид жинойтларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестрининг юритилиши биринчи навбатдан давлат фуқаролик хизматини ўтаётган шахсларга ўз фаолияти коррупциядан тийилишига мажбур қилади. Чунки мазкур реестрга киритилган шахсларга бир қатор чекловлар қўйилади.

Хусусан:

- давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиш;
- сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатиш;

- давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиял органларнинг аъзоси бўлиш;

- улар томонидан таъсис этилган ва (ёки) улар иштирокчиси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиш, шунингдек, давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиш;

- давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.

Буларнинг ичида энг муҳими давлат хизматига кириш бўйича чекловлардир. Яъни коррупция ҳаракатини содир этган ҳар қандай шахс реестрга киритилади ва бошқа давлат хизматига қабул қилинмайди.

Шунингдек, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, коррупцияга оид жинойтларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахслар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, юқоридаги қонуннинг 50-моддасига кўра, давлат фуқаролик хизматчиси томонидан коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир этилганлиги давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини тугатишга асос ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини тугатиш учун у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиш керак, албатта. “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддасида давлат фуқаролик хизматчисининг интизомий жавобгарлиги акс эттирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ҳайфсан;
- ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима;
- малака даражасини пасайтириш;
- давлат фуқаролик хизмати лавозимини пасайтириш;
- эгаллаб турган давлат фуқаролик хизмати лавозимидан озод қилиш.

Интизомий жазо чоралари давлат органининг раҳбари томонидан қўллашди қилмишнинг оғир-енгиллиги, унинг ҳолатлари ва давлат фуқаролик хизматчисининг хулқ-атвори ҳисобга олиниши лозим. Мазкур нормада белгиланган интизомий жозаларнинг қайси бири қандай ҳолатда қўллаш масаласи тўлиқ очиб берилмаган. Айтайлик давлат фуқаролик хизматчиси ўз фаолиятида коррупцияга ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйди, бу ҳолда раҳбар интизомий жазоларни қўллашда қийинчиликка дуч келиши мумкин.

Интизомий жазо сифатида ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун меҳнат вазифалари бир марта қўпол равишда бузилган бўлиши керак. Меҳнат кодексининг 100-моддасида меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш рўйхати қуйидагиларда белгиланади:

- ички меҳнат тартиби қоидалари;
- корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;
- айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар.

Корхонанинг ички меҳнат тартиби иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади. Ички меҳнат тартиби қоидалари локал ҳужжат ҳисобланади. Бундан тушуниш мумкинки, ички меҳнат тартиби қоидаларида коррупция ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини меҳнат шартномасини бекор қилишга асос сифатида белгилаш ёки белгилмаслик иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, интизомий жазолардан бирини қўллаш бевосита давлат органининг раҳбарининг ўз хоҳишига ҳам боғлиқ. Яъни коррупцияга ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ходимга хизмат лавозимидан озод қилишдан ташқари бошқа интизомий жазони қўллаш (*хайфсан ва б.*) мумкинлигини англатади.

Юқорида тилга олинган “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Президент Фармонида Коррупцияга қарши курашиш агентлигига манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар аниқланганда, шартнома, буйруқ ва бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида тақдимнома ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво киритиш ваколати берилган.

Тан олиш керак, сўнги йилларда давлат бошқарувида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида қонунчилик тизими ҳам ислоҳ қилинмоқда. Бунга Адлия вазирлиги томонидан “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасига қўйилганлигини мисол қилишимиз мумкин. Қонун лойиҳасида давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган муҳим нормалар ўз аксини топган.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратганда давлат хизматида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш масаласи норматив жиҳатдан қандай тартибга солинганлиги эътиборни тортади. Бу борада ҳуқуқшунос олим З.Исломов коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус қонунлар қабул қилинган АҚШ, Канада, ГФР, Франция, Испания, Португалия ва Чехия тажрибасини ижобий баҳолаб, мазкур давлатлар моделидан кенг фойдаланишни таклиф этади [7, Б.22]. Айнан мазкур давлатларда коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш масалалари махсус ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, Канада, АҚШ, Хорватия, Хитой Халқ Республикаси каби баъзи мамлакатларда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича махсус қонун ва низомлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Канадада 2006 йилда манфаатлар тўқнашуви бўйича алоҳида қонун – Conflict of Interest Act қабул қилинган [8]. Бу каби йўл Хорватия қонун чиқарувчиси томонидан ҳам танлаган, яъни мазкур давлатнинг коррупцияга қарши курашиш стратегияси 2011 йилдаги «Манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш тўғрисида»ги Қонунга (*Act on Preventing the Conflict of Interest in Exercise of Public Office*) асосланган [9]. АҚШ Қонунлар тўпламининг 2-боби “Пора бериш, пора беришга оғдириш ва манфаатлар тўқнашуви” (*Bribery, graft, and conflicts of interest*)да порахўрликнинг турли шаклларига ходимни лавозимидан озод қилиш ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган норма мавжуд [10]. Шу билан бир қаторда, АҚШда Коррупцияга қарши курашишга оид қўшимча қонун ҳам қабул қилинган.

Шу сабабли, давлат фуқаролик хизматчиси томонидан коррупция ёки манфаатлар тўқнашувини содир этганлик учун жавобгарлик масаласини қонун даражасида белгилаш зарур. Яъни “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддасига қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, ушбу моддада “Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан коррупция ҳолатини ёки манфаатлар тўқнашувини содир этилганлик тўғридан-тўғри эгаллаб турган лавозимидан озод қилишга асос бўлади” деган нормани кўшиш таклиф этилади.

Шунингдек, агарда ходимни ишга қабул қилиш даврида унга меҳнат дафтарчаси электрон

тизим орқали юритилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 декабрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинишини ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 971-сон қарори талаби асосида электрон тизимда бекор қилинади ва бу ҳақда ходим ўзининг шахсий кабинети орқали хабардор бўлиши мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумот Ягона миллий меҳнат тизимига киритиш вақтида меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси, буйруқ рақами ва бошқа маълумотлар киритилиши керак, лекин меҳнат шартномаси қайси асос билан бекор қилинаётганлиги бўйича маълумот киритиш имконияти мавжуд эмас.

Айтайлик коррупцияга ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинса ва бу маълумот Ягона миллий меҳнат тизимига киритилмаса, ушбу ходим кейинчалик яна қайтадан давлат хизматига кириш имкониятига эга бўлиши мумкин. Чунки ишга қабул қилувчи ушбу ходим аввал коррупцияга ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлиги учун меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини билиш имкониятига эга эмас.

Шу сабабли, коррупцияга ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилиниб, бу ҳақида маълумотлар Ягона миллий меҳнат тизимига киритилиш вақтида тизимда **алоҳида белги қўйиш** имкониятини яратиш, шунингдек коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестрини Ягона миллий меҳнат тизими билан **интеграция қилиш** лозим.

Шунингдек, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ташкилотларида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини камайтириш, давлат ташкилоти ходимлари, уларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларнинг манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга хизмат қилиши аниқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ–788-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/6145972>
2. Mustaqillik: Izohli ilmiy-ommabop lug‘at// Mualiflar: M. Abdullayev, M. Abdullayeva va boshq.; R. Ro‘ziyev va Q. Xonazarov umumiy tahririda. To‘ldirilgan uchinchi nashri/ - T.: “Sharq”, 2009. // [https://n.ziyouz.com/books/lugatlar/Mustaqillik%20\(izohli%20ilmiy-ommabop%20lug‘at\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/lugatlar/Mustaqillik%20(izohli%20ilmiy-ommabop%20lug‘at).pdf)
3. Севальнев Вячеслав Викторович, Черепанова Екатерина Викторовна Конфликт интересов как правовой феномен в публичной сфере // Журнал российского права. 2017. №10 (250). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/konflikt-interesov-kak-pravovoy-fenomen-v-publichnoy-sfere> (дата обращения: 29.12.2022).
4. Муродов Н. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги // URL: <http://uza.uz/oz/society/korrupsiyaga-doir-t-iz-asosiy-masala--25-06-2019>
5. Ильяков А.Д., Урегулирование конфликта интересов как основной способ предупреждения коррупции в системе государственного управления. Дисс. кан. юр. наук. – М., 2015. // <https://www.dissertat.com/content/uregulirovanie-konflikta-interesov-kak-osnovnoi-sposob-preduprezhdeniya-korrupsi-v-sisteme>
6. Ахметова Наиля Ахметовна Конфликт интересов на государственной службе // Власть. 2013. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/konflikt-interesov-na-gosudarstvennoy-sluzhbe-1> (дата обращения: 29.12.2022)
7. Исломов. З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. // <http://www.parlib.uz/en-US/Record/Details/86ade79b-359e-4052-8ce6-1053dcc2a658#menu0>
8. Conflict of Interest Act, S.C. 2006, c. 9, Assented to 2006-12-12. <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-36.65/>
9. Act on Preventing the Conflict of Interest in Exercise of Public Office. 2003-10-01. http://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.detail?p_lang=en&p_isn=83910&p_count=96946
10. U.S. Code chapter 11 — Bribery, graft, and conflicts of interest // [https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18/part I/chapter-1](https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18/part%20I/chapter-1)